

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

Ҳ У К М

2024 йил январь ойининг 12 куни, жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди, Бухоро шаҳар “Наврўз” МФЙ биносида, сайёр суд мажлисида, судья Ж.Тожиевнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ш.Норбаевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси – Бухоро шаҳар прокурорининг ёрдамчиси И.Рахимов, жабрланувчи З.Раджабованинг иштирокида, судланувчи Суяров Сардор Уктамовичга нисбатан 1-2001-2304/752-сонли жиноят иши кўриб чиқилди. Иш ҳужжатларига кўра:

Суяров Сардор Уктамович /Suyarov Sardor Uktamovich/ - 1990 йил 5 август куни Жиззах туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, ўрта маълумотли, яқка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланади, муқаддам:

1. Жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг 2006 йил 20 ноябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан жавобгарликдан озод қилиниб, иш вояга етмаганлар билан шуғулланувчи комиссияга юборилган;

2. Жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг 2015 йил 21 апрель кундаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 166-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилиб, 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

3. Жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти Зарбдор туман судининг 25.12.2015 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 118-моддаси 3-қисми билан 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Когон шаҳар судининг 20.01.2023 йилдаги ажримига кўра, ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмасдан қолган 3 йил 4 ой 3 кун озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган, судланганлик ҳолати тугалланмаган, Жондор тумани “Навгади” МФЙ, “Навгади” қишлоғида яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 21.11.2023 йилда олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 266-моддаси 1-қисми билан айбланган.



Суд судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жинойт иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Суяров Сардор Уктамович 2023 йил 4 ноябрь куни соат 16:00.ларда, бошқарувида бўлган “Матиз” русумли 80V 227 DA давлат рақам белгилли автомашинани Бухоро шаҳар “Намозгоҳ” кўчаси бўйлаб, Бухоро тиббиёт коллежи биноси томонидан 7-кичик тумани томон йўналишда бошқариб бораётиб, ўз ҳаракат йўналиши бўйича йўлнинг чап томон қисмида жойлашган “Бухоро перенатал маркази” биноси қаршисидаги светофор билан тартибда солинган “пиёдалар ўтиш жойи”га етганида, амалдаги йўл ҳаракати қоидаларининг 3-бандидаги “йўл ҳаракати қатнашчилари “йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини, ушбу Қоидаларни ва унда келтирилган светофор ишоралари, йўл белгилари, йўл чизиқларининг талабларини билишлари, уларга амал қилишлари, шунингдек, уларга берилган ваколат доирасида йўлларда ҳаракатни тартибга солувчиларнинг кўрсатмаларини сўзсиз бажаришлари шарт”лиги, 4-бандидаги “йўл ҳаракати қатнашчилари бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракатланишига хавф туғдирмасликлари керак”лиги; 11-бандининг “а” кичик бандидаги “ҳайдовчи йўлга чиқишдан олдин транспорт воситасининг техник созлиги, тозаллиги ва тўлиқ жиҳозланганлигини текшириши, “б” кичик бандидаги “ҳайдовчи ҳаракатланиш вақтида транспорт воситасининг техник созлигини таъминлаши”, “г” кичик бандидаги “ҳайдовчи ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айниқса, болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши”; 12-бандидаги “ҳайдовчига тормоз тизими, рул бошқаруви ишламаётган транспорт воситаларини бошқариш таъқиқланади”; 77-бандидаги “ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши кераклиги, тезлик ҳайдовчига ушбу қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши кераклиги, ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак”лиги; 109-бандидаги “тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойига яқинлашаётган транспорт воситасининг ҳайдовчиси қатнов қисмини кесиб ўтаётган пиёда(лар)ни ўтказиб юбориш учун тезлигини камайтириши ёки тўхташи шарт”лиги; 110-бандидаги “агарда тартибга



солинмаган пиёдалар ўтиш жойи олдида транспорт воситаси ҳаракатини секинлаштира ёки тўхташа, қўшни бўлакларда ҳаракатланаётган бошқа ҳайдовчилар бу транспорт воситаси олдида пиёда(лар) йўқлигига ишонч ҳосил қилганларидан сўнггина ҳаракатланишни давом эттиришлари мумкин”лиги; 111-бандидаги “тартибга солинган пиёдалар ўтиш жойларида ҳайдовчилар светофорнинг рухсат этувчи ишораси ёнган тақдирда ҳам пиёда(лар)га қатнов қисмини шу йўналишда кесиб ўтишни тугаллашига имкон беришлари керак”лиги каби ҳайдовчи қатъий амал қилиши лозим бўлган қоидаларни қўпол равишда бузиб, “пиёдалар ўтиш жойи”дан йўлнинг ўнг томон қисмидан чап томон қисмига кесиб ўтаётган фуқаро Раджабова Зулайхо Қўчқоровнани автомашинанинг олд қисми билан уриб, йўл-транспорт ҳодисаси содир қилганлиги натижасида фуқаро З.Раджабова РСТЭИАМ Бухоро филиалининг 14.11.2023 йилдаги 2148-сонли эксперт хулосасига кўра, ўрта оғир тан жароҳати олиб, РШТЁИМ Бухоро филиалига ётқизилган.

Судланувчи Суяров Сардор Уктамович суд мажлисида айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2023 йил 4 ноябрь куни соат 16:00.ларда, ўз бошқарувида бўлган “Матиз” русумли 80 V227 DA давлат рақам белгили автомашинани Бухоро шаҳар “Намозгоҳ” кўчаси бўйлаб, Бухоро тиббиёт коллежи биноси томонидан 7-кичик туман томон йўналишда бошқариб бораётганида, ўз ҳаракат йўналиши бўйича йўлнинг чап томон қисмида жойлашган “Бухоро перенатал маркази” биноси қаршисидаги светофор билан тартибда солинган “пиёдалар ўтиш жойи”га етганида, эҳтиётсизлиги туфайли “пиёдалар ўтиш жойи”дан йўлнинг ўнг томон қисмидан чап томон қисмига кесиб ўтаётган фуқаро З.Раджабовани автомашинасининг олд қисми билан уриб, йўл-транспорт ҳодисаси содир қилганлигини, воқеа вақтида жабарланувчига биринчи ёрдамни кўрсатиб, уни шифохонага олиб борганлигини, унинг ҳолидан хабар олиб туриб, зарарларни қоплаб берганлигини билдириб, у қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, моддий аҳволи оғирлигини, оилавий шароитини инобатга олиб, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Жабрланувчи Раджабова Зулайхо Қўчқоровна суд мажлисида 2023 йил 4 ноябрь куни соат 16:00.ларда “Бухоро перенатал маркази” биноси қаршисидаги светофор билан тартибда солинган “пиёдалар ўтиш жойи”дан йўлнинг нариги бетига ўтмоқчи бўлиб ҳаракатланган вақтда унга олдиндан таниш бўлмаган С.Суяров ўзининг бошқарувидаги “Матиз” русумли 80V 227 DA давлат рақам белгили автомашинада келиб қолиб, автомашинанинг олд қисми билан уни уриб юборганлигини, натижада у тан жароҳати олиб, ерга йиқилганлигини, воқеа вақтида С.Суяров унга биринчи ёрдам кўрсатиб уни шифохонага олиб борганлигини, шундан кейин ҳам С.Суяров унинг ҳолидан хабар олиб, зарарларни қоплаб берганлигини, ҳозирда судланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини, унга қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.



Суд давлат айбловчисининг хулосасини, жабрланувчининг кўрсатувларини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, судланувчи С.Суяровнинг жиноят содир этишдаги айби унинг айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, дастлабки тергов ва судда сўроқ қилинган жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, хабарнома (и.в. 4-5), воқеа жойни кўздан кечириш баённомаси, ЙТХ чизмаси ва фотосуратлар (и.в.7-15), транспорт ходисаси юз берган жой чизмаси (и.в. 16), суд-тиббий экспертиза маркази Бухоро филиалининг 2023 йил 13 ноябрдаги 2148-Т-сонли (и.в.30-34) ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа асосли далиллар билан тўлиқ ўз исботини топган.

Суд дастлабки тергов органи томонидан судланувчи С.Суяровнинг баданга ўрта оғир тан жароҳати етказилишига сабабчи бўлган транспорт воситалари ҳаракати қоидаларини бузишда ифодаланган жинойий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2015 йил 26 июндаги “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги 10-сонли Қарорининг 25-бандида судлар йўл-транспорт ҳодисасида айбдор деб топилган шахсга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда инсонпарварлик, одиллик тамойилларидан келиб чиқиб, ҳар бир иш бўйича алоҳида ёндашув тўғрисидаги қонун талабига қатъий риоя қилишлари, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига, ҳодиса содир бўлгандан кейин шахснинг ҳатти-ҳаракатига (унинг жабрланувчига тиббий ёрдам кўрсатиш учун қилган ҳаракатлари, жабрланувчи ва унинг оиласига моддий ва бошқа тарзда ёрдам берганлиги, жиноят натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаганлиги ва ҳ.к.) ва жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларга алоҳида эътибор беришлари шартлиги, 26-бандида судлар ЖК 260, 262, 265-моддаларида назарда тутилган жиноятларга оид ишларни кўришда, судланувчига нисбатан муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги қўшимча жазо чорасини қўллаш масаласини муҳокама қилишлари лозим. Мазкур масала шахс бундай ҳуқуққа эга, эга эмаслигидан (масалан: шахс жиноят содир қилгунга қадар ёки тергов вақтида маъмурий тартибда ёки суд ҳукми билан транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинганлигидан) қатъий назар, муҳокама қилиниши шарт деб тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги қайд этилган.



Суд, қайд қилинган Пленум Қарори тушунтиришларидан келиб чиқиб, судланувчи С.Суяровга жазо тури ва миқдорини тайинлашда, содир этган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, шахсини, оилавий шароитини, қилмишидан пушаймонлигини, ҳодиса содир бўлгандан кейинги ҳаракатларини, жабрланувчи етказилган моддий зарарлар қопланганлигини, шу билан бирга унинг муқаддам ўта оғир жиноят содир этганлиги учун судланганлигини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларни инобатга олиб, унга у айбланаётган Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан модда санкцияси доирасида жарима жазоси тайинлашни ҳамда уни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 45-моддасига асосан транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилишни лозим топади.

Суд, С.Суяровга нисбатан тайинланган жазоларни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 61-моддасига асосан алоҳида ижро этилишини белгилашни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462-463, 465-468, 471, 497¹-497⁴-моддаларини қўллаб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Суяров Сардор Уктамович /Suyarov Sardor Uktamovich/ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Суяров Сардор Уктамовичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 45-моддасига асосан 1 /бир/ йил 6 /олти/ ой муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 баравари миқдориди, яъни 6.600.000 сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат даромади ҳисобига ундирилсин.

Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосининг ижроси Бухоро вилоят ИИБ ЙҚХБ зиммасига юклатилсин.

Жиноят кодексининг 61-моддасига асосан тайинланган жазолар алоҳида-алоҳида ижро этилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач С.Суяровга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ҳукмдан норози томон ҳукм эълон қилинган кундан 10 сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчига ҳукм нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди орқали Бухоро вилоят судининг апелляция инстанциясига апелляция тартибида ёки кассация тартибида шикоят беришга, прокурор эса протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи
Нусхаси аслига тўғри.

Ж.М.Тожиев

